

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**337 Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Давлат мулкидан оқилона ва самарали фойдаланишни, фойдаланилмаётган ҳамда қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектларини, бўшаётган ер участкаларини замонавий рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш турларини ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг раҳбарларига уларнинг балансида бўлган бино ва иншоотлар, бошқа давлат мулки объектларининг сақланиши, тегишли даражада авайлаб асралиши ва самарали фойдаланилишини таъминлаш бўйича қониқарсиз ишлаганликлари ва масъулиятсизлик билан қараганликлари кўрсатиб ўтилсин.

Давлат мулкини хусусийлаштириш ва бошқариш соҳасида қонунчилик бузилишига йўл қўйган Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг бир қатор ҳудудий органлари раҳбарлари эгаллаб турган лавозимларидан озод этилганликлари, давлат мулки объектларини балансида сақловчи юздан ортиқ давлат ташкилотлари раҳбарларига нисбатан қаттиқ жиноий ва интизомий жазо чоралари қўлланилганлиги қайд этиб ўтилсин.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда давлат мулки объектларининг ялпи инвентаризацияси ўтказилиб, унинг натижалари бўйича фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар, қурилиши тугалланмаган объектларнинг рўйхати аниқланди.

3. Қуйидагилар:

фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган, бузиб ташланадиган давлат мулки объектлари рўйхати 1-иловага\* мувофиқ;

фойдаланилмаётган, 2014 йилда кимошди савдосида сотиладиган давлат мулки объектлари рўйхати 2-иловага\* мувофиқ;

инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш ва янги иш ўринларини

---

\* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

яратиш шарти билан 2014 йили танлов асосида «нулинчи» харид қиймати бўйича сотилиши лозим бўлган фойдаланилмаётган, шу жумладан қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектлари рўйхати 3-иловага\* мувофиқ;

тадбиркорлик субъектларига янги ишлаб чиқаришлар, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси объектларини барпо этиш учун кичик саноат зонаси ташкил этилиши мўлжалланган, кейинчалик ўлчови ўртача 0,2-0,3 га. дан ажратиб бериладиган ер участкалари рўйхати 4-иловага\* мувофиқ;

хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондига киритиладиган, шунингдек янада самарали фойдаланиш учун бошқа ташкилотларга тезкор бошқариш ва бепул фойдаланишга бериладиган давлат мулки объектлари рўйхати 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вазирликлар, идоралар, акциядорлик компаниялари, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ўн кун муддатда:

1-иловада кўрсатилган давлат мулки объектларини бузиб ташлаб, бўшаган ер участкаларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг захира фондига топшириш;

2-иловага киритилган фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари ва корхоналарни баҳолаб, кимошди савдосига қўйиш;

3-иловага мувофиқ инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш ва янги иш ўринлари яратиш шарти билан давлат мулки объектларини «нулинчи» харид қиймати бўйича сотиш танловларини ўтказиш жадвалларини тасдиқласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раҳбарлари зиммасига 1, 2 ва 3-иловаларга киритилган давлат мулки объектларини ўз вақтида бузиб ташлаш ва кимошди савдосига қўйишни таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклатилсин.

5. Вазирликлар, идоралар, акциядорлик компаниялари, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат мулки объектларини балансида сақловчи ташкилот ва корхоналар:

икки ой муддатда 2 ва 3-иловаларда кўрсатилган давлат мулки объектлари бўйича ер участкалари, бино ва иншоотларнинг кадастр ҳужжатлари тайёрланишини, шунингдек уларга бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

бир ой муддатда 5-иловада кўрсатилган давлат мулки объектларини қолдиқ баланс қиймати бўйича жойлардаги тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига топшириб, уларнинг

---

\* 3 — 5-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

зиммасига зарур таъмирлаш ишларини ўтказиш ва мазкур объектлардан янада самарали фойдаланишни таъминлаш масъулиятини юкласин.

Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат мулки объектларини балансида сақловчи ташкилотлар раҳбарлари 2, 3 ва 5-иловаларда кўрсатилган давлат мулки объектларининг янги мулкдорга топширилгунга қадар яхши сақланиши ва авайлаб асралиши учун шахсан жавобгар эканликлари ҳақида қатъий огоҳлантирилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда 1-иловада кўрсатилган давлат мулки объектлари бузиб ташланиши натижасида бўшаётган ер участкаларидан келгусида фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда 4-иловада кўрсатилган ер участкаларининг ўрнида ташкил этиладиган кичик саноат зоналарида тадбиркорлик субъектларини барча зарур муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилмаси билан жойлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқсин;

кичик саноат зоналарида тадбиркорлик субъектларини жойлаштиришнинг ишлаб чиқилган лойиҳалари бўйича тадбиркорлик субъектларига янги иш ўринлари яратиш борасида инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан ўртача 0,2-0,3 га ер участкалари ажратиш бўйича танловлар ўтказишни ташкил қилсин;

«Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзтрансгаз» АК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари кичик саноат зоналарида тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳаларга мувофиқ ўз маблағлари ҳисобидан зарур муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилмалар қурилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги икки ой муддатда кичик саноат зоналарини барпо этиш ва фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

7. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиладиган бюджет ташкилотларининг давлат мулки объектларига кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети ва тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012-2013 йилларда дав-

лат мулкани хусусийлаштириш Дастури тўғрисида» 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ–1743-сонли қарорида кўрсатилган давлат активларини сотиш муддати 2015 йилнинг охиригача узайтирилсин.

9. 2014 йилнинг 1 июлидан бошлаб давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартибини соддалаштиришга қаратилган қўшимча меъёр ва тадбирлар 6-иловага мувофиқ жорий этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПҚ–672-сонли қарорининг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 3 июль,  
ПҚ–2200-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2014 йил 3 июлдаги  
ПҚ–2200-сонли қарорига  
6-ИЛОВА

**Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш  
тартибини соддалаштиришга қаратилган  
МЕЪЁР ВА ТАДБИРЛАР**

1. Республика ва маҳаллий нашрларда давлат активларини «нулинчи» харид қиймати бўйича сотишга оид ошқора савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этилган санадан бошлаб то улар ўтказиладиган санагача бўлган муддат икки ойдан 30 кунгача қисқартирилади.

2. Савдоларда давлат мулки объектларини «нулинчи» харид қиймати бўйича сотишнинг асосий шартларидан бири, инвестиция мажбуриятлари билан бир қаторда, янги иш ўринларини яратиш ва уларни инвестиция мажбуриятларини бажаришга киришилган пайдан бошлаб йил давомида сақлаб қолишдан иборатдир.

3. Ошкора савдоларда давлат активларини сотиб олишга 6 ой мобайнида талабнома тушмаган тақдирда, улар қўйилган нархни қадам-бақадам пасайтириб бориш механизмини қўлланган ҳолда сотилади ва бу қадам ойига 10 фоизни ташкил қилади, аммо дастлаб қўйилган нархнинг 50 фоизидан паст бўлмаслиги керак.

4. Давлат активлари дастлаб қўйилган нархнинг 50 фоизигача пасайтирилгандан сўнг 3 ой мобайнида ошкора савдоларда сотилмай қолган ҳолларда, улар инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш ва янги иш ўринлари яратиш шарти билан «нулинчи» харид қиймати бўйича сотилади.

5. Давлат активларининг олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб бир ой давомида инвестор харид тўловларини тўлаган тақдирда, унга харид тўловлари суммасидан олди-сотди шартномаси тузилган санада кучда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш йиллик ставкаси миқдоридида чегирма берилади.

6. Ошкора савдога қўйиладиган давлат активларининг бошланғич қийматини белгилаш мустақил нарх белгилаш ташкилоти томонидан ўрнатилган тартибда белгиланган қиймат бўйича амалга оширилади.

7. Давлат активларини сотишга уларни қисмларга ажратган ҳолда ва ортиқча ер участкаларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кейинчалик бу ерларда кичик саноат зоналари ташкил этиш ҳамда конунчиликка мувофиқ назарда тутилган бошқа мақсадлар учун топшириш орқали йўл қўйилади.

8. Давлат активлари бўйича харид тўловларини (бошланғич тўлов суммаси бундан мустасно) тўлаш муддати сотувчи томонидан белгиланади, аммо олди-сотди шартномаси кучга кирган кундан бошлаб 24 ойдан ошиб кетиши мумкин эмас, агар давлат мулкни хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссияси ёки Ҳукумат қарорларида ўзгача тартиб ўрнатилмаган бўлса.

9. Давлат мулки объектини модернизация қилишни, техник ва технологик қайта жиҳозлашни, рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқара (хизматлар кўрсата) бошлашни, яратилган иш ўринларини инвестиция мажбуриятларини бажаришга киришган пайтдан бошлаб йил давомида сақлаб қолишни назарда тутувчи инвестиция мажбуриятлари харидор томонидан бажарилиб, эгалик ҳуқуқини берувчи давлат ордерига тегишли ёзувлар киритилгандан кейин, «нулинчи» харид қиймати бўйича сотилган давлат мулки объектларини тасарруф этиш ҳуқуқи юзага келади.

10. Корхоналар ва объектларни хусусийлаштириш чоғида инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари белгиланган муддатларда бажарилмаган тақдирда, тузилган олди-сотди шартномалари белгиланган тартибда бекор қилиниб, кейинчалик объектлар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, рақобатдош, экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатишни ташкил этиш, шунингдек яратилган иш ўринларини инвестиция мажбуриятларини бажаришга киришилган пайтдан бошлаб йил давомида сақлаб

**28 (632)-сон**

**— 11 —**

**337-338-моддалар**

қолиш юзасидан аниқ инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан янги хусусий мулкдорларга сотилади.